
ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 3

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL
ADABIYOT
TA'LIM



Philological research:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

Филологические исследования:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 3

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.03.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV, iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Kurbanazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.03.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)

Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.03.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

БЕКПЎЛАТ УМУРҚУЛОВ
Бадиий нутқ – лингвистик тадқиқотлар манбаи 7

НЮБАР ХАКИМОВА
Традиционное врачевание или логманство,
концептуальные и практические направления 15

ПАНЖИЕВ НОРМАХМАТ ПАНЖИЕВИЧ
Синтагматика согласных фонем в узбекском языке
(На материале финальных двучленных сочетаний) 18

TURDIQULOV SHERZOD DUMINOVICH
Teolingvistik g‘oyalarning onomasiologik tadqiqotlarda aks etishi 23

САМАНДАРОВ РУСТАМ ДЎСЁРОВИЧ
Синтактик деривация жараёни ва аппликатив модел 25

TURDIMURODOV SIROJIDDIN ESHQOBILOVICH
Xususiyat, hajm-o‘lchov va hid bildiruvchi
evfemik birliklarning lingvistik xususiyatlari 29

АЛИМАРДАНОВ ЭЛЁР ИЛХОМ ЎҒЛИ
Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тиллари
контактларини ўрганишнинг назарий асослари 32

SAATOVA SURAYYO ISMAILOVNA
O‘zbek tilida lisoniy shaxsni shakllantiruvchi ijtimoiy omillar 37

RAHIMOVA ZEBINISO SHOMANSUR QIZI
Jargonlar presuppozitsiyasi 41

TO‘YCHIYEVA ZULAYHO HAMRAQULOVNA
Zulfiya she’riyatida ayrim frazemalarning qo‘llanish xususiyatlari haqida 45

XUDAYBERGANOVA DILDORA KULMAMATOVNA
O‘zbek tilida zoonimlarning semantik-funksional tahlili
(Ogahiy asarlaridagi zoonimlar misolida) 49

М У Н Д А Р И Ж А

JO‘RAYEVA NASIBAXON G‘ANIYEVNA
Tarixiy asarlar leksikasida eskirgan so‘zlar tizimi 52

XAYDAROVA XURSHIDA
Takroriy taqlid so‘zlar klassifikatsiyasi
(Besh jildli o‘zbek tilining izohli lug‘ati asosida) 57

АНАХОН НАСУРИЛЛАЕВНА ВАПАЕВА
Периоды формирования новейших
слов в узбекском и русском языках 61

ADABIYOTSHUNOSLIK

ҚУРОНОВ ДИЛМУРОД ҲАЙДАРАЛИЕВИЧ
Адабиётшунослик терминларини ўзбекчалаштириш муаммолари 65

JABBOROV ESHNAZAR
Jahon ma’rifatchiligining sharqona tamoyillari 69

ҚУРОНОВ САЪДУЛЛО ДИЛМУРОДОВИЧ
Ўтиш даври романлари ва инсон концепцияси 71

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ЎТИШ ДАВРИ РОМАНЛАРИ ВА ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ

Қуронов Саъдулло Дилмуродович,
Андижон давлат университети докторанти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,.

Устоз адабиётшунос Озод Шарафиддинов собиқ совет халқларининг истиқлолга эришган илк йилларидаги руҳий маънавий-руҳий эврилишларга "ҳудудсиз фожиа"[1] дея тариф берганди. Зеро Ўзбекистон мустақиллигининг илк йиллари халқимизга иқтисодий, сиёсий, маънавий-руҳий жиҳат осон бўлмаган эди. Узоқ йиллар давомида асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат хом ашёси етказиб беришга ихтисослашган давлат иқтисодиёти деярли банкрот ҳолатига келади. Ишсизлик, унинг кетидан йўқчилик юзага келди. Бошқа тарафдан, ягона мафкура атрофида бирлашиб, шу мафкурани ўз эътиқоди даражасига кўтарган, бироқ бу "эътиқод"нинг ёлғон эканини англаб етган жамият маънавий жиҳатдан кучли фалажланди. Энди улар социализмнинг бутунлай зидди бўлган капитализм қонуниятлари асосида ҳаёт кечириши, шунга мос равишда орзу-истаклари, идеал ва мақсадларини қайтадан белгилаб олиши зарур эди. Айни шу мураккаб жараён Ўзбекистоннинг янги тарихида ўтиш даври номи билан муҳрланиб қолди.

Адабиётнинг марказида инсон туради. Шундай экан, шўро адабиёти ва истиқлол адабиётини фарқловчи энг муҳим омил ҳам шахс талқинида, адабиётдаги инсон концепциясида кўринади. "XX аср янги ўзбек адабиёти, – ёзади Умарали Норматов, – шахс талқини бобида алоҳида босқични ташкил этади. Муайян сабабларга кўра, аср адабиётида шахсни ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида кўрсатиш устуворлик қилди[2]". Олим назарда туган "ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида"ги шахс юқорида қайд этилган экономик инсон (*Homo Economicus*)нинг зидди – ижтимоий одам (Homo sociologicus)дир. Бу иккиси кенг қамровли ижтимоий-фалсафий тушунчалар бўлиб, қуйироқда бу масалаларга аҳолида тўхталиб ўтганмиз.

Ўтиш даври ижодкорлар чекига янги даврни англаш, капиталистик жамиятда шахс мақоми, унинг ахлоқи, идеал ва мақсадларини белгилаш, бир сўз билан айтганда, янги инсон концепциясини яратиш вазифасини юклар эди. Буни теран ҳис қилган ижодкорлар қатор асарлар яратдилар. Шукур Холмирзаевнинг "Динозавр", Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бозор" романлари ана шундай асарлар сирасидан ҳисобланади. Биз уларда ўтиш даври манзараларини бор мураккабликлари кўриш билан бирга, бозор муносабатлари қарор топган жамият фуқароси – экономик инсон (*Homo Economicus*) концепцияси билан танишамиз.

Экономик инсон[3] категорияси капитализмнинг, умуман, иқтисодиётнинг фалсафий асоси ҳисобланади. Замонавий иқтисод назарияси отаоридан бири Адам Смит экономик одам категориясининг назарий асосларини яратди. Унга кўра, инсон фақатгина ўз манфаатини кўзлаб ҳаракатланади ва бу жараён ҳар доим ҳам англанган тарзда кечмайди. "Кўринмас қўл" инсонни, ҳатто, у мақсад қилмаган неъматлар томон ҳам етаклайди, бу йўлда у жамият манфаатлари учун англанган, мақсадли ҳаракатлариданда кўпроқ фойда келтиради"[4]. Дейлик, қандолатчининг ўз маҳсулотини сифатли тайёрлаши азбаройи одамларни ўйлаганидан эмас, балки уларнинг ишончини қозониб, кўпроқ фойда кўриш истагидандир. Демак, биз экономик инсон деганда ўз нафсининг қули, пул учун ҳамма нарсага тайёр одамни тушунишимиз хато. Экономик одам ҳам ўз моҳияти билан ижтимоий одам. Фақат у инсоннинг шахсий манфаатларини кўпроқ ҳимоя қилиб, ижтимоий тенгликка манфаат орқали етиб боришни кўзлайдиган назариядир. Шу жиҳатдан, экономик одам тушунчаси ижтимоий одам (Homo sociologicus)га қарама-қарши қўйилади. Ижтимоий одам максимал даражада фақат ўз манфаатини эмас, балки онгли

[1] Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б.53.

[2] Норматов У. Энг муҳим муаммо // ЎзАС, 2003. 21 март.

[3] Экономическая теория: Учебник / Под общ. ред. акад. В.И. Видяпина, А.И. Добрынина, Г.П. Журавлевой, Л.С. Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2003. – С.130.

[4] Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Издательство социально-экономической литературы, 1962. – С. 332.

равишда умумманфаатини кўзлайди[1]. Бироқ капитализмнинг “оталари” айни шу жиҳат, одам ўзи англаган ҳолда, максимал даражада умумманфаатини кўзлаб яшаши мумкин эмаслигини таъкидлайдилар. Капитализмнинг пойдеворини эса айни шу ҳақиқат, инсонга хос эҳтиёжлар асосига қурадилар. Умуман, социализм ва капитализмнинг ўзаро фарқи ҳам шу нуқтада равшан кўринади.

“Динозавр” ва “Бозор” каби романларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда асли ижтимоий одам бўлган бош қаҳрамоннинг воқеалар ривожида аста-секин экономик одамга эврилишига гувоҳ бўламиз. Бу романларнинг бутун маъно-мазмуни, воқеа-ҳодисаларнинг занжир каби тизилиши мана шу эврилишнинг тасвири, ифодаси учун бўйсундирилгандек, гўё.

“Динозавр” романи бош қаҳрамони Маҳкам ҳалол, самимий ва жудаям истеъдодли ижодкор. Дунёни санъат қутқаришига, идеал жамият ўзаро меҳр-оқибат, адолат, тенглик ва ҳамжиҳатлик устига қурилишига ишонадиган коммунист. Бироқ у айни шу соддадиллиги, тўғрилиги туфайли капиталистик жамиятга мослаша олмайди. Зеро унда эгоизмдан асар ҳам йўқ. Муаммо шундаки, у капитализмнинг “оталари” каби эгоизмни жамият мувозанатини таъминловчи омил сифатида эмас, балки таназзул томон етакловчи иллат сифатида билади. Чунки у атрофидаги одамларнинг ўз нафси деб тубан махлуққа айланиб бораётганини кўриб туради. Аммо Маҳкам секин-аста бозор муносабатларига мослашиб улгурган бу одамларни ўрганишга, уларни тушунишга урина бошлайди, ҳар қалай, кўнглида шу ишга нисбатан рағбат сезади.

“Бозор” романи қаҳрамони Фозилбек – фозил йигит. У дунёнинг рамзи бўлган бозор – жамиятдан адолат, ҳалоллик, меҳр-оқибат каби фазилатлар кўтарилаётганидан ташвишда. Ўзи ва яқинларини бу хил янги даврга маънан тайёр эмаслигини ҳис қилади. Жонини фидо қилиб бўлсада “бозор”ни ислоҳ қилишга уринади. Қандай қилиб тўлалигича бозор муносабатлари устига қурилаётган жамиятда инсон бўлиб қолиш йўлларини қидиради.

Кўринадики, “Динозавр” ва “Бозор” романлари бадиий-ғоявий жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам муштарак асарлардир. Уларни жамият ва шахс, руҳ ва модда муносабатларидаги мувозанатни, уларни боғловчи олтин кўприкни қидираётган қаҳрамонлар образи бирлаштириб туради. Қуйида мазкур романларни бирма-бир таҳлил қилиб, айтилган фикрларни атрофлича далиллашга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев қаламига мансуб “Динозавр” романининг биринчи китоби 1996 йилда “Ёшлик” журналида, муаллифнинг икки энлик изоҳи билан эълон қилинади: “Ҳаётдаги анчайин ўзгаришни ҳам ҳазм ва қабул қилиш осон кечмайди: кўникмалар-қаноатлар бу йўлда теран тўсиқлар ҳисобланадики, аввалам бор, ана ўшаларни “енгиш”га тўғри келади. Энди, тасаввур этинг: ҳаётнинг ўзи тубдан ўзгариб, ўзга бир изга тушса, уни ҳазм ва қабул қилиш – айниқса, ижодкор учун жуда мушкул бўлади. “Динозавр” романим – ана шу жараён тасвиридан иборат бўлиб, уч китобни ўз ичига олади: биринчиси ушбу – КУЗ, қолганлари – КИШ, БАҲОР”[2]. Бундан маълум бўладики, адиб аввал бошда роман-трилогия ёзишни ният қилади. Лекин, афсуски, адиб вафотига қадар асарнинг биринчи – Куз қисмини, кейинги китобдан эса фақат айрим бобларни эълон қилишга улгуради, холос. Шундай экан, биз Ш.Холмирзаевнинг капиталистик жамият ва унинг бош омили экономик инсон ҳақидаги бадиий концепциясини тўла қонли тасаввур қила олмаймиз. Аммо биринчи китобнинг ўзидаёқ ёзувчининг ижодий-бадиий мақсадини англаш, янги инсон концепциясининг муайян даражадаги тугал чизгиларини кўриш имконига эгамиз.

Ш.Холмирзаев ўтиш даври муаммоларини романий тафаккур даражасида тафтиш этишда пешқадам бўлган: “Дадил айтиш мумкинки, – таъкидлайди Умарали Норматов – ўша туб бурилиш асносида, аввало, адиб қалбидаги, қолаверса, одамлар руҳиятидаги эврилишлар, уларнинг ҳолат-кайфияти миллий адабиётимизда илк бор “Динозавр” орқали роман кўзгусида ўз аксини топди[3].

“Динозавр” – ҳар бир қаҳрамони, ҳар бир сатри билан ўтиш даврининг кайфияти уфуриб турган роман. Гўё адиб давр манзараларига кўзгу солган, унда ҳар ким (ўқувчи)га ўзини кўриш имконини яратган.

Роман бош қаҳрамони Маҳкам – собиқ совет даврида обрўли кинорежиссёр, кейинги даврда киноиндустриянинг қулаши билан мартаба ва касбини бой берган истеъдодли ижодкор. У самимий, виждонли, тўғри фуқаро. Бироқ айни шу хислатлари унга бозор муносабатларига мосла-

[1] Felli Ch. Homo Economicus vs Homo Sociologicus (https://www.academia.edu/2346314/Homo_Economicus_vs_Homo_Sociologicus)

[2] Холмирзаев Ш. Динозавр // Ёшлик, 1996. – №2.

[3] Норматов У. Бадиият кўзгусида миллат тақдири // Шарқ юлдузи, 2011. – № 3. – Б. 119.

шиб кетишида монелик қилади. Аллақачон, янги мезонларга кўникиб кетган собиқ актриса хотини Шаҳло эса чет элдан мол олиб келиб тижоратчилик билан шуғулланади. Бу аёлнинг характери ва тутумларида санъаткорга, ижодкорларга хос назокатдан асар ҳам қолмаган, у батамом "бозорчи аёл"га айланиб улгурган.

Маҳкам кеч кузнинг изғирин кунларида хатарли сафарга отланаркан, қош қорайгунга қадар эсон-омон довондан ўтиб олишни ният қилади. Агар йўловчилар бунга эриша олишса, қолгани равон йўл, ҳаммаси яхши бўлади...

Водийга олиб ўтувчи довон нафақат Маҳкам оиласининг, балки бутун жамият ва давлатнинг олдида турган катта машаққат, муаммони англатади. Яъни довон йўли жамиятнинг ўтиш даврида дуч келадиган қийинчиликлари рамзидир. Қишнинг қировли кунлари яқин қолганда жамият аҳли эски "Волга"га миниб йўлга отланаркан, довоннинг қорли, хатарли йўлларидан кўтарилиб, бир макондан иккинчи бир маконга – бир тузимдан иккинчи бир тузимга ошиб ўтишлари лозим. Бироқ эски "Волга" синовли йўлга дош бермайди. "Чўққига чиқишларига тахминан бир чақирим қолганда"[1] автомобилнинг мотори ишдан чиқади. Маҳкамнинг оиласи қаҳратон совуқда, кимсасиз тоғлар бағрида қолиб кетади…

Адиб йўл-йўлакай қаҳрамонларнинг нутқи, ўй-хаёллари ифодаси асносида уларнинг характерига чизгилар беради, вазиятини маълум қилади. Кўринадики, оиладан тинчлик кўтарилган. Тижоратчилик билан шуғулланаётган Шаҳло эрининг ношудлиги, омадсизлигидан эзилади, учраган кимсага ундан нолиб, заҳрини сочиб олишдан ҳеч тийилмайди. Яқинда мактабни битирадиган Собит эса ота-онасини кузатиб, улардан қай бири ҳақ, ким тўғри йўлда эканини англашга уринади:

"– Уф, дадангни тенгдошлари аллақачон йўл топиб кетишди. Бировлари аллақандай фондлар очвотти, фильм қилвотганлариям кўп...

– Э, манга ёқмийди ўша фильмлар.

– Лекин керак экан-да. Яшаш учун қилиш керак! Давлат қарамай қўйганидан кейин..

– Умуман-ку, сиз ҳақсиз.

– Албатта ҳақман-да! Уст-бошига қара, уч йил бурунги кастюм-шим. Дуруст бир пальтоси йўқ... Бу кишига бари-бир. Ман уяламан даданг билан юришга!"[2]

Романдан олинган юқоридаги парчада Собит эндигина урчий бошлаган, тижорат фильмларига муносабат билдириб, қисман бўлса-да бозор муносабатлари даврида дидсизликнинг ортишига қарши турибди. Бироқ айни шу дидсизларча яратилган фильмлар одамларни боқиб, уст-бошини бутун қилаётгани билиб, онасига "Умуман-ку, сиз ҳақсиз" дея жавоб беради. Шаҳло учун эса бошқача мезоннинг ўзи йўқ. Бу борада у юзда-юз ҳақ, чунки эрининг уст-боши эски, дурустроқ пальтоси ҳам йўқ. Келтирилган парча мисолида ўтиш даврига хос бўлган энг муҳим омил – жамиятда ўзгариб бораётган мезонларни кўришимиз мумкин. Яъни бу даврда муваффақиятли, истеъдодли ёки зиёли инсонни белгиловчи мезонлар ўзгарди.

"Динозавр" романини таҳлил қиларкан, устоз У.Норматов "асардаги энг катта жумбоқ – бош қаҳрамон Маҳкам образидир"[3] дея таъкидлайди. Чиндан ҳам Маҳкам – жумбоқ. Унинг тимсолида на эски ва на янги тузум юзасидан аниқ хулосага келган шахсни кўрасиз. Аслида бу романнинг кейинги қисмлари яратилмагани билан ҳам боғлиқ. Яъни биз ҳозирча Маҳкамнинг воқеа-ҳодисалар таъсирида ривожланиб, пишиб етилган якуний қиёфасини кўра олмаймиз. У романнинг Куз қисмида холис кузатувчи, икки давр – тузумнинг ютуқ ва камчиликларини тўғри баҳолай олувчи, ҳали бир тузумни иккинчисидан устун қўйишга шошмаётган, мулоҳазакор қаҳрамон сифатида таассурот қолдиради.

Бизнингча, адиб бош қаҳрамонни бежизга аросатдаги шахс сифатида тасвирламаган. Сабаби ўтиш даврида аксар зиёлилар Маҳкам каби фикр-хулосалари ҳали тўла шаклланиб улгурмаган, аросатда яшаётган шахслар эди. Аросатдаги шахс тушунчасини Шаҳлонинг оилавий давраларнинг бирида эрига қўйган қуйидаги ташхиси янада ойдинлаштиради: "Манимча, бу кишига Шўро даврини тиклаб бериш керак, холос... Ўша системада яшаб, бу кунларни орзу қилиб ўтаверсалар, бас". Шаҳлонинг фикрича, унинг эри бир вақтда Шўро давридаги "фаровонлик" билан бирга, миллий-маданий истиқлолни ҳам хоҳлайди.

Ёзувчи "аросатдаги шахс" тасвири орқали ўтиш даври зиёлиларининг реалликка монанд қиёфасини яратиш билан бирга, ўтмиш ва бугунни муқояса қилаётган қаҳрамон воситасида янги даврни объектив баҳолашни мақсад қилади. Шу сабабдан ўқувчи кўп ҳолларда Маҳкам образида ўз-ўзини инкор қилаётган, фикр-хулосалари тарқоқ шахсни кўради. Қуйидаги парча нафақат Маҳкамни, балки шу даврда зиёлиларини ўйлан-

[1] Холмирзаев Ш. Динозавр // Ёшлик, 1996. – №2. Б.22.
[2] Ўша манба. – Б.25.
[3] Норматов У. Бадиият кўзгусида миллат тақдири. // Шарқ юлдузи, 2011. – № 3. – Б. 119.

тирган энг катта муаммони англашимизда, уларни тушунишимизда муҳим аҳамиятга эга:

“– Жамолжон, манда тайёр мавзу йўқ, – деди Маҳкам бирдан хўмрайиб. – Тўғрироғи, ҳам бор, ҳам йўқ. Борлиги шундаки, ман бугунги ҳаёт ҳақида... ўзимнинг, қалбимнинг овозига қулоқ солиб, қандайдир муҳим бир асар қилгим бор. Бунга материал сероб... Аммо канцовка йўқ. Якун йўқ, – дея ҳамсуҳбатига боқди; нигоҳида: “Сизларда борми?” деган илтижо мавжуд эди. Чунки ҳаётнинг ўзида ўша канцовкани кўрмаяпман”[1].

Жамолиддин шу замонда иши юришиб, катта бойликка эришган тижоратчилардан. У Маҳкамга бирор жиддий мавзуда фильм суратга олишни таклиф қилиб, харажатларини ўзи кўтариши мумкинлигини айтади. Лекин Маҳкам асарнинг “канцовкани кўрмаяпман” деб жавоб беради. Маҳкам аросатда қолган шахс. У тийиқсиз бўрон каби бостириб келаётган капитализмнинг оқибатларини ҳам, ўзи каби оқимга қарши туриб, одамийлик фазилатларини сақлаб қолишга уринаётган зиёлиларнинг борар манзилини ҳам билмайди. Юқорида О.Шарафиддинов сўзидан иқтибос қилиб олганимиз – “ҳудудсиз фожиа” аслида шу бўлса, ажаб эмас.

Романга Жамолиддин образининг кириб келиши ва Маҳкамнинг у билан бўлиб ўтган суҳбати асносида ўқувчи Ш.Холмирзаев бадиий концепциясида капитализмнинг баҳосини равшанроқ кўра бошлайди. Адиб жудаям бадавлат тадбиркор сиймосида халқпарвар, маърифатпарвар шахсни кўришни истайди. Албатта, ёзувчининг бу хулосалари биз юқорида қайд этган экономик одам концепциясига зид келади. Зеро капитализмга кўра, тадбиркор халқпарвар ё маърифатпарвар бўлиши амримаҳол. У ўз халқига тадбиркорлик фаолиятини шунчаки ривожлантириб, пул айланмасини кенгайтириб ҳам фойда келтириши мумкин. Лекин ёзувчи бироз ижтимоийлашган, эгоизмдан ҳоли тижоратчини идеаллаштиришга уринади.

Роман воқеалари ривожида биз Маҳкамнинг ижтимоий, иқтисодий муносабатлар юзасидан фикрлари аста-секин ўзгариб бораётганини қўрамиз. Айниқса, Жамолиддин билан учрашувдан сўнг тадбиркорларга муносабати ўзгаради. Хаёлан ўз ўғли Собитнинг ҳам тижоратчи бўлишига рози бўлиб, фақат “Жамол типида” дея ниятини тўғрилайди.

Маҳкам – капитализм қонунлари қанчалар суронли бўлмасин, ўзида инсонийликнинг энг гўзал фазилатларини сақлаб қолишга интилган қаҳрамон. Балки бутун роман, Ш.Холмирзаевнинг ўтиш давридаги инсон концепцияси мана шу ғоя устига қурилган бўлса ажаб эмас.

Жамиятнинг бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтиш даври манзаралари, жараённинг ижтимоий, руҳий-маънавий оқибатлари қаламга олинган асарлардан яна бири Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романидир. Мазкур роман тасвирлаш принципига кўра биз юқорида кўриб чиққан “Динозавр”, “Мувозанат” романларидан тубдан фарқ қилади. Яъни “Бозор” анъанавий реалистик услубда эмас, балки модернистик услубда ёзилган бўлиб, тўлалигича рамзийлик асосига қурилган. Умарали Норматов бу ҳақида “Ёзувчининг диққат-эътибори бозор манзаралари ва можароларининг бевосита ўзини эмас, персонаж онги, руҳиятидаги акс-садосини ифодалаш, бадиий таҳлил этишга қаратилади, бунда “онг оқими” тажрибаларидан ижодий фойдаланади”[2] деб ёзади. Абдуғафур Расулов Ғарб адабиёти, хусусан модернизмнинг миллий адабиётимиздаги намуналари ҳақида сўзларкан, “Бозор” романини алоҳида қайд этиб ўтган[3] бўлса, Йўлдош Солижонов уни “ўзбек насрининг сўнги йиллардаги оригинал қиёфасини белгилайди”[4] дея эътироф қилади.

Адиб инсониятни бозор воситасида тушунишга ва тушунтиришга ҳаракат қиларкан, бундан муайян ғоявий-бадиий мақсадни кўзлайди. У ўзининг инсон концепцияси учун “бозор модели”ни пойдевор қилиб олади. Бу пойдеворга эса инсоният хос манфаат – нафснинг рамзи сифатида қарайди: “Бу ёруғ дунёда бир-бирига тариқча ўхшаган-ўхшамаган тирик жон борки, нафси ўхшайди, нафс бир хил, нафс одамларни бирхиллаштиради, тафовутларни йўққа чиқаради, бозор манаман деган инсони комилни ҳам ялписига – битта куймай бозорга солади”[5]. Ёзувчининг бадиий концепциясида манфаат одамларни ҳар кўйга солувчи ва барчани умумлаштирувчи қудратли омил сифатида талқин қилинади. Зеро инсон ҳеч қачон ўз нафсидан тўла фориғ бўла олмайди. Лекин нафсни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам мумкин эмас.

Муаллиф ўзини қийнаётган муаммоларни бирма-бир ўртага ташларкан, ўтиш даврига ишора қилиб, бу даврни “шайтон оралаган бозор”га менгза-

[1] Холмирзаев Ш. Динозавр // Ёшлик, 1996. – №2. Б.42.

[2] XX аср ўзбек адабиёти масалалари. Тўплам. – Тошкент: ФАН, 2012. Б.40.

[3] Расулов А. Янгиланаётган роман. // ЎзАС, 2003. 22 август.

[4] Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Фил.фан.доктори дисс.автореф. – Тошкент, 2002. – Б. 13.

[5] Дўстмуҳаммад Х. Роман. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – Б.7.

йди. Уни жамиятдан ҳалоллик, маърифат кўтарилиб, тобора ўғрилик, жоҳиллик каби иллатлар урчиб бораётгани ташвишга солади. Айнан шу даврга келиб одамлар нафсини жилолай олмай қолди, бозор изидан чиқди. Лекин “бозор айниди, издан чиқди деб ундан юз ўгириш керакми?” Бизнингча, асарнинг марказий саволи, бош муаммоси шу саволда мужассам топган. Албатта “бозор”дан воз кечиш имконсиз, бироқ ечим мавжуд – “бозорнинг ёвузлашиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак”[1].

Хуршид Дўстмуҳаммад ўз бадиий концепцияси марказига МАНФААТни қўяркан, ғоявий жиҳатдан Адам Смит қарашларига яқинлашади, шу билан бирга, МАНФААТ жамиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида талқин қилинган “Динозавр” романига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг асарга айланади.

Дилмурод Қуронов “Бозор”нинг бадиий фалсафасини учта асосий образ: бозор, чойхона ва қироатхона тутиб туради, бошқа барча образлар уларнинг атрофида уюшади”[2] деб ёзганди. Романда ўзаро зиддиятга киришган мазкур уч образнинг ҳар бири ўз мувозанатини йўқотган. Бозорга шайтон оралаган бўлса, ҳокимият рамзи бўлган чойхона ўғри ва муттаҳамларнинг маконига айланган, зиё маскани ҳисобланувчи қироатхона (кутубхона) эса нураб, кимсасиз маскан бўлиб қолган.

Романнинг бош қаҳрамони Фозилбек исми-жисмига мос, фозил йигит. У асарда янги авлод вакили, капитализм фуқаросининг рамзига айланган. Фозилбек муаллиф идеалларини ўзида мужассам этиб, унинг инсон концепциясида бош омилига айлантирилган.

Фозилбек образининг “Динозавр” романидаги Маҳкамдан фарқли жиҳатлари талайгина. Аввало, у ижтимоий одам (Homo sociologicus) эмас. Ҳали уйланмаган бу ёш йигитнинг онгу шуури социализм ғоялари билан заҳарланиб улгурмаган, яъни чинакамига социалистик тузумда яшаб кўрмаган. У капитализм фарзанди. Шундай экан, биз Фозилбек сиймосида ижтимоий одамнинг экономик одамга эврилишини кузатмаймиз. Шукур Холмирзаев ўтиш даврини кенг эпик кўламда қамраб олиб, жамиятнинг реалликка монанд моделини яратган ва ўз бадиий концепциясини билвосита қаҳрамонлари тақдири орқали ифодалашга уринган бўлсалар, Хуршид Дўстмуҳаммад ижтимоий колоритни нисбатан торроқ олади, даврнинг рамзий-фалсафий моделини яратиб ўз ғояларини бевосита Фозилбек орқали ифодалашга уринади. Бошқача айтганда, Фозилбек – бош қаҳрамон ва бир вақтда муаллиф сиймоси.

“Бозор” романининг марказий қаҳрамонларидан яна бири Қадрия исли кутубхоначи қиз бўлиб, у нураб бораётган қироатхона – маънавиятнинг рамзидир. У пул билан муомала қилишни билмайди. Фақат китоб ўқиш, кутубхонани обод қилиш ҳақида ўйлайди. Фозилбек ва Қадрия ўртасида муҳаббат ришталарининг боғланиши эса “бозор одами” ва маънавиятнинг қовушиши демакдир. Зеро ёзувчи бадиий концепциясига кўра бозорнинг чўкиши одамлардаги маънавиятсизлик билан боғлиқ.

Фозилбек даврнинг энг катта фожиаларидан яна бири сифатида маърифат улашувчи ижодкор ва олимларнинг ўзини “бозорга уриши”да кўради: “Саъдулла, Қадамбой, Бердибойлар шоирлик дов-дастгоҳини йиғиштириб, ўзларини бозорга урдилар... Олимжонни айтмайсизми?! Нима, бу умрлар эсиз эмасми? Эмин шоир бозор билан беллашаман деганди, нақ белини синдиришди”.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг инсон концепциясидаги муҳим қаҳрамонлардан яна бири бозорбоши – Қосимбекдир. Қосимбек ижтимоий одам – эски одам. Умр бўйи бозорни эпақага соламан деб яшади. Лекин умри поёнига етиб қолганда бунинг имконсиз эканини тушуниб етди. Энди у янги бозорни эпақага солиш тугул, унинг моҳиятинида англаб олишга ожиз эканини билиб қолади. Ўз ўрнини муносиб ўринбосарларга бўшатиб бериш мақсадида, ўғиллари ва шогирдларини чақириб бундай насиҳат қилади: “...унутмаларинг, бозорни изга солиш учун қимирлаган жон борки, бари ўзича уринади. Худо хайрини берсин, ҳаммасини ўз ҳолига қўй, Худо ҳар бандага ўзига яраша ақл-ҳуш берган, бозорбоши ўша ақл-ҳушнинг баридан фойдалана билишида гап кўп”. Қосимбекнинг бу насиҳати капитализмнинг бош ғояларига ҳамоҳанг. Капитализмга кўра, бозор мустақил ривожланиши, маъмурият томонида жиловланиши ё изга солиниши керак эмас. Бозор ўз ички қонуниятлари асосида, ўзинг хато ва ютуқларидан хулоса чиқариб ривожланаверади. Ҳукумат эса адолатни, шахс ва мулк дахлсизлигини таъминласа бас. Қосимбек гапида давом этиб, “Бозор учун Шомирза билан Диёрбек қанчалик зарур бўлса, уларнинг ёнида Сабриддин билан Фозилбек туриши юз карра шарт”. Яъни булар пул, қудрат, адолат, маърифат рамзига айланган қаҳрамонлар. Уларнинг ҳар бири бозор учун сув ва ҳаводек зарур, йўқса, бозор чўка бошлайди.

Фозилбек отасининг насиҳатларига қулоқ тутади. Энди у отаси каби умрини бозорни эпақа-

[1] Ўша манба. – Б.113.

[2] Норматов У., Қуронов Д. Романнинг янги умри // Жаҳон адабиёти, – 2001. – №9.

га соламан, жиловлай деган орзу учун совуриб юбормайди, лекин ўзи ҳам шайтон оралаб юрувчи бозорнинг измига тушиб яшамайди. У оралиқ йўлни топиб, бозорни пул, ҳокимият ва маърифатнинг ўзаро адолатли мувозанати асосига қуришни истайди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг бадиий концепцияси эса мана шу хулосаларда мужассам топади.

Хулоса қилиб айтганда, “Динозавр” ва “Бозор” романлари ўтиш даври адабиётининг энг ёрқин намуналаридир. Бу асарларда ўтиш даври романий контекстда тафтиш этилган. Бозор муносабатларига қадам қўйган жамиятнинг кўп тармоқли бадиий модели яратилиб, олам ва одам муносабатлари ҳақида яхлит бадиий концепция тақдим этган. Уларда капиталистик жамият фуқароси – экономик инсон концепцияси яратилган.

Resume. This article analyzes the novels “Dinosaur” by Shukur Kholmirzaev and “Bazaar” by Khurshid Dostmuhammad from the point of view of the category of human concept. These novels systematize the philosophical, economic and social foundations of the citizen of capitalism, creating a new concept of man.

Резюме. В данной статье анализируются романы “Динозавр” Шукура Холмирзаева и “Базар” Хуршида Достмухаммада с точки зрения категории концепция человека. В этих романах систематизируются философские, экономические и социальные основы гражданина капитализма, создается новая концепция человека.